

“UZAUTO MOTORS” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ ЖАРАЁНЛАРИНИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ

Абдукаримов Дониёр

Вазирлар маҳкамаси ҳузуридаги бизнес ва
тадбиркорлик олий мактаби тингловчиси

Бугунги кунда Ўзбекистонда енгил автомобиллар ишлаб чиқариш учун бутловчи қисмлар етказиб берувчи 170 дан зиёд корхона мавжуд. Ушбу корхоналар базасида 200 дан зиёд технологиялар ўзлаштирилган ва 4000 дан зиёд деталлар маҳаллийлаштирилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 июндаги “2017 - 2021 йилларда автомобил саноатини жадал ривожлантириш ва бошқарувини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-3028-сон қарорга мувофиқ «Ўзавтосаноат» АЖ нинг 2017 - 2021 йилларда асосий вазифалардан бири сифатида қуйидагилар белгиланди:

- бутловчи буюмлар ва узеллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни чуқурлаштириш, автомобилсозликни ривожлантириш учун зарур бўлган базавий хомашё ва материаллар ишлаб чиқаришни ўзлаштириши ва унинг ҳажмини кўпайтириш бўйича тармоқлараро кооперация алоқаларини кенгайтириш ҳисобига импортнинг улушини қисқартириш ва маҳсулотлар таннархини пасайтириш;

- илмий-амалий тадқиқотлар ва инновация ишланмаларини ривожлантириш ҳамда ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш жараёнларига татбиқ қилиш, фан ва ишлаб чиқаришнинг янада мустаҳкам алоқасини таъминлаш.

Мазкур қарорда «Ўзавтосаноат» АЖ корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, автомобил қисмлари ва базавий материалларини маҳаллийлаштириш бўйича инвестиция лойиҳалари рўйхати 2а- 2в-иловаларда кўрсатиб ўтилган бўлиб уларнинг ижроси юзасидан қуйидаги амалга оширилган ишларни мисол тариқасида келтириш мумкин:

Жорий йилнинг бошида Асака шаҳридаги «UzAuto Motors» заводида янги замонавий пайвандлаш цехи фойдаланишга топширилди. Бундай юқори технологик иншоотни куриш биринчи марта ўзбекистонлик мутахассислар томонидан хорижий экспертларни жалб қилинмасдан амалга оширилиб, қарийб 1 млн. доллар маблағни иқтисод қилинишига имкон берди. Қўшимча харажатларсиз ва узок муддатга фойдаланиш учун топширилган ушбу цех «UzAuto Motors» ёш мутахассислар ва уларнинг машинасозлик соҳасидаги инновацион ютуқлари учун платформа эканлигини кўрсатади.

Турин политехника университети мутахассислари билан ҳамкорликда автомобил эшиклари оралиғини назорат қилиш тизими жорий этилди. Кузов ва деталларни йиғиш линиясига етказиш учун Корея Республикаси ишлаб чиқарилган замонавий EMS LK Hoist панелларни ташиш тизими ўзлаштирилди ва бошқарув панели билан масофадан туриб уланиш жараёни автоматлаштирилди.

Янги цехнинг ишлаб чиқариш қуввати 14 JPH ташкил этиб, йилига кўшимча **60 минг дона автомобил** ишлаб чиқаришга имкон беради. Бундан ташқари, заводда янги цехнинг ишга туширилиши **200 та иш** ўрни яратилишига имкон берди.

«UzAuto Motors» АЖ Хоразм вилояти Питнак шаҳрида янги пресс-мажмуаси жорий йилнинг май ойида очилди. 1,06 гектар майдонда ишлаб чиқарилган маҳсулот, максимал қувватга эришгандан сўнг, Ўзбекистонда машҳур бўлган Chevrolet Damas ва Labo моделлари учун ҳар йили 12 минг тонна металл листдан 7 миллион турли штамплash кузов қисмларини ишлаб чиқаради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Бошқарувни янада такомиллаштириш ва ривожланишни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарорига мувофиқ амалга оширилган лойиҳа 2017-2021 йилларда автомобилсозлик саноати Chevrolet Damas учун 114 қисм ва Labo учун 152 та эҳтиёт қисмлар етказиб бериб, **йиллик импорт ҳажмини 20 млн. АҚШ долларидан зиёдга камайтиради**. Шу билан, Damas автомобилини маҳаллийлаштириш даражаси 31% дан 45% гача, Labo эса 11% дан 45% гача кўпайтирилади.

Экспорт дастурига эътибор қаратсак, янги мажмуанинг ишга туширилиши «UzAuto Motors» АЖ Хоразм филиали маҳсулотларини **экспорт қилиш ҳажмини 50%га ошириш имконини беради**. Агар 2020 йилда Damas ва Labo автомобиллари 7 млн. АҚШ доллари миқдорида экспорт қилинган бўлса, 2021 йилда бу кўрсаткич 10 млн. АҚШ долларидан ошиши ва 2022 йилда 15 млн. АҚШ долларига етказилиши режалаштирилган.

«UzAuto Motors» филиали ҳудудида жойлашган янги ноёб пресс-цех худуднинг ривожланган инфратузилмасига жуда мос келади. Вилоят марказининг шаҳар йўлларига ва шаҳарлараро йўналишларга чиқишдан ташқари, завод ўзининг темир йўл линиясига эга, бу эса логистика харажатларини минималлаштиради. Бироқ, лойиҳанинг асосий мақсади тайёр маҳсулот нархини пасайтириш орқали рақобатбардошликни оширишдир. Ушбу дастгоҳда Damas ва Labo учун 266 бутловчи қисмлар ишлаб чиқарилади, бу уларнинг локализациясини дарҳол 25% га оширади.

Тайёр маҳсулот таннархи 4,9 триллион сўмдан 6,6 триллион сўмгача ўсади, натижада бюджетга 1,3 триллион сўм келиб тушади.

Таъкидланишича, лойиҳага жами сармоялар «UzAuto Motors» АЖнинг ўз маблағлари ҳисобидан ажратилган 48 млн. АҚШ долларини ташкил этди. Шу билан бирга, йиллик ишлаб чиқариш ҳажми 40 млн. АҚШ доллар даражасида режалаштирилган ва соф фойда 13 млн. АҚШ долларини ташкил этади.

1-расм. «UzAuto Motors» компаниясида маҳаллийлаштириш жараёни¹



Шунингдек эслатиб ўтамиз, «Узэкокат» МЧЖ ҳар йили 770,8 минг дона амортизатор, «УзДонгжу» МЧЖ - 45 минг комплект резина буюмлар, «Ҳоразм Питнак Пласт» МЧЖ - «Дамас» автомобиллари учун 25 минг комплект бамперлар ва панелларни, «Барака Авто» МЧЖ - Дамас автомобиллари учун 25 минг комплект (выхлопная система) тизимлари, «Ўзавтосаноат» АК - 140 минг дона руллар ишлаб чиқаради.

Маҳаллийлаштиришдан кўзланган асосий мақсад - ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таннархини ва хорижий валютага боғлиқликни камайтириш. Шунга қарамай, автомобил саноати импорт хом ашё ва бутловчи деталларга боғлиқ бўлиб қолмоқда, бу кўпинча маҳаллийлаштиришнинг имконсиз эканлиги билан боғлиқ. Масалан, енгил автомобил учун кузовлар Ўзбекистонда ишлаб чиқарилса-да, пўлат Россиядан келтирилади (яқинда у 35-60% га қимматлашди), чунки автомобиллар учун пўлат ишлаб чиқариш саноати бизда

¹ Манба: <https://uzautomotors.com>

мутлақо йуқ. Шунингдек, валюта курсларига боғлиқлик корхоналар олган кредитларга таъсир кўрсатади, улар бўйича фоизлар миллий валютада 20-24% ва АҚШ доллариди 7-8% оралиғида белгиланган, ҳолбуки бошқа мамлакатларда бу фақат 2-3%ни ташкил этади. Фақат мана шу кредитлар фоизларини тўлашнинг ўзига 75 млрд. сўмдан ошиқ пул сарфланган.

Ривожланиш салоҳияти қуйидаги омиллар билан чекланган:

- иқтисодий асосланган маҳаллийлаштириш учун ҳар бир платформада «UzAuto Motors» да автомобил ишлаб чиқариш даражаси етарли эмас;
- экспорт ҳажмининг пастлиги (ички бозорнинг 1-2% дан кўп бўлмаган);
- миллий валютанинг нисбий заифлиги ишлаб чиқариш қиймати омиллари нуқтаи назаридан фақат вақтинчалик ва беқарор устунликни беради;
- ишлаб чиқариш самарадорлиги ва сифати пастлиги, ускуналарнинг эскирганлиги, бир қатор автокомпонентларнинг ишлаб чиқарилмаслиги ва 2 ва 3 даражадаги автокомпонентлар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш даражасининг пастлиги, автокомпонентлар нархларининг валюта курсига боғлиқлиги;
- Автосаноатнинг турдош тармоқлар (металлургия ва нефт-кимё) учун устуворлиги пастлиги сабабли, хомашё ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш даражасини ошириш учун етарли имкониятлар мавжуд эмаслиги;
- автокомпонентларнинг глобал ишлаб чиқарувчилари учун хатарларнинг юқори даражаси ва бозорнинг кичик ҳажми.

Компонент ишлаб чиқариши ривожланган мамлакатлар (Хитой Халқ Республикаси, Америка Қўшма Штатлари, Корея Республикаси ва Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллиги) тажрибаси шуни кўрсатадики, автокомпонентлар саноатининг узок муддатли ривожланишини таъминлаш қуйидагиларни белгилашни талаб қилади:

- барча тақсимотларда автокомпонентлар гуруҳлари ва турларини локализация қилишнинг устувор йўналишлари;
- устувор автокомпонентларнинг маҳаллий ишлаб чиқарилишини яратишни рағбатлантиришга қаратилган пул-кредит (молиялаштириш дастурлари) ёки монетар бўлмаган чоралар;
- илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмалари ва муҳандислик соҳасидаги ваколатларни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари (технологияларни узатиш, илмий-тадқиқот ишларини молиялаштириш, кадрлар малакасини ошириш).

Жаҳон тажрибасига асосланиб, маҳаллийлаштириш талаблари маҳаллий ишлаб чиқариладиган автокомпонентларга бўлган талабни кўпайтиради, аммо тегишли ишлаб чиқариш кўламисиз рақобатбардош саноатни яратишга кафолат бермайди деб тахмин қилинади.

Саноат хабининг асосий вазифалари ва фаолияти йўналишлари этиб қуйидагилар белгилансин:

- ташқи бозорларда талаб этилаётган ва импорт ўрнини босувчи, юқори қўшилган қийматга эга машинасозлик ва электротехника маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун тўғридан-тўғри хорижий ва маҳаллий инвестицияларни жалб этиш;

- вилоятнинг машинасозлик ва электротехника саноатидаги ишлаб чиқариш ва ресурс салоҳиятларидан комплекс ҳамда самарали фойдаланишни таъминлаш;

- маҳаллий хом ашё ва материаллар негизида мустақкам кооперация алоқаларини ўрнатиш ҳамда махсус саноат зонаси иштирокчилари ўртасида ва умуман республикада саноат кооперациясини ривожлантириш асосида юқори технологияли машинасозлик ва электротехника маҳсулотлари ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш;

- вилоятнинг ишлаб чиқариш ва ресурс салоҳиятидан самарали фойдаланиш асосида машинасозлик ва электротехника маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва уларнинг экспорт ҳажмини ошириш.

Ўзавтосаноат томонидан ушбу саноат хабида 2021–2023-йилларда 80 млн. АҚШ доллар инвестиция эвазига 8 та лойиҳани амалга ошириш режалаштирилган. Жумладан, чўян деталларни қуйиш, уларга механик ишлов бериш, резина жипсловчи деталлар, автомобил ойна тозалагичлари, шасси учун пружиналар ишлаб чиқариш ўзлаштирилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги ПФ-158-сонли “ЎЗБЕКИСТОН — 2030” стратегияси тўғрисидаги Фармони /www.lex.uz.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” Фармони /www.lex.uz.

3. Чащихин У. В. Импортозамещение через инновации. Методы повышения конкурентоспособности предприятий/ У. В. Чащихин — «Издательские решения», ISBN 978-5-44-850547-8.

4. Суюнов Д.Х., Хошимов Э.А. Акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув самарадорлигини баҳолашнинг методологик жиҳатлари. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 2, март-апрель, 2018 йил. 13 бет